O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 19 май, № 95 (3894) Жума

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

## Президент Ислом Каримовнинг Навоий ва Бухоро вилоятларига сафари



Президентимиз Ислом Каримовнинг жойларда амалга оширилаётганислоҳотлар жараёнини таҳлил қилиш, юртдошларимизнинг орзу-ўйларидан яқиндан хабардор бўлиш мақсадида вилоятларга чиқиб туриши анъанага айланган.

Давлатимиз раҳбари ана шу мақсадда 18 май куни Навоий вилоятида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Юртбошимиз сафарини шаҳар аэропортида амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишишдан бошлади.

— Ҳар қандай аэропорт стратегик аҳамиятга эга. Навоий аэропорти жойлашув нуқтаи назаридан бу борада, айниқса, муҳим ўрин тутади, — деди Ислом Каримов. — Бундан қарийб уч йил бурун бу ерда қурилиш ишларига киришилган, бунинг учун катта маблағ ажратилган эди. Афсуски, ўтган даврда мазкур объект учун ишлатиладиган баъзи қурилиш материалларини етказиб берадиган корхоналар бунёд этилмаган. Лойиҳада кўзда тутилган айрим хомашёлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди.

Юртбошимиз мамлакатимиз тараққиёти, хавфсизлиги учун жуда муҳим бўлган ушбу объект қурилишини бошлашдан олдин жиддий тайёргарлик кўриш зарурлигини, тегишли буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар бу борада жонбозлик кўрсатмаганини танқид қилди. Ушбу объектдаги қурилиш ишларини яхшилаш юзасидан, шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқ ва тавсиялар берди.

Навоий вилояти мамлакатимиз саноатида салмоқли ўрин эгаллайди. Бу ерда нainки юртимизда, балки дунёда ўзига хос мавқега эга йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. "Навоий машинасозлик заводи" ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шундай корхоналар сирасига киради. У Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидаги энг йирик саноат корхонасидир. Президентимиз ушбу корхона фаолияти билан танишди.

Ускунасозлик цехида саноат тизимида қўлланиладиган турли хил ускуналар тайёрланади, капитал таъмирдан чиқарилади, шу билан бирга, улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Дастгоҳсозлик цехида чархлаш-силлиқлаш дастгоҳи; бошқариш пульти-функционал имкониятлари кенгайтирилган ва электронли тизим орқали бошқариладиган универсал токарлик станоги ҳамда винт қирқиш дастгоҳи каби саноат учун зарур, харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

— Бу заводда дунё миқёсида ноёб агрегатлар тайёрланаётгани қувонарлидир, — деди Ислом Каримов. — Энг муҳими, бу ерда илгари саноат корхоналаримиз учун четдан . келтириладиган кўплаб дастгоҳ ва ускуналарни юксак сифат билан ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Президентимиз мутасадди раҳбарларга корхона фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда модернизациялаш, ишчи-хизматчиларга зарур шароитлар яратиш борасида тавсиялар берди.

Ислом Каримов машинасозлар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг иш ва яшаш шароити билан қизиқди.

— Бундан бир йил олдин Ирбит шаҳридаги саноат корхонаси банкротга учради, — дейди токар В.Зирянов. — Кўплар қатори мен ҳам ишсиз қолдим. Мени Навоий шаҳрига ишга таклиф қилишди. Ўзбекистоннинг машинасозлик соҳасидаги ютуқларидан яхши хабардор бўлганим учун бу таклифга бажонидил рози бўлдим. Ҳозир ишларим жойида, корхона жамоасидан хурсандман.

Президентимиз корхонанинг маданият-спорт мажмуида бўлиб, ишчи ва хизматчиларнинг спорт билан шуғулланиб, кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитлар билан танишди.

— Навоий вилоятининг иқлим шароитида бундай чўмилиш ҳавзаларининг аҳамияти катта, — деди Юртбошимиз. — Бундай бассейнларни янада кўпайтириш лозим.

Президент Ислом Каримов Навоий кон-металлургия комбинати мажлислар залида мазкур корхона бўлинмалари раҳбарлари билан учрашди.

— Бу корхона — бизнинг фахримиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Муҳим стратегик масалаларни ҳал этишда унинг ўрни беқиёсдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу корхона, аввало, Ўзбекистонга валюта киритишда жиддий ўрин тутади. Иккинчидан, мазкур йирик корхона бир неча ўн минглаб кишиларни иш билан таъминлаяпти. Учинчидан, комбинат муҳим ижтимоий вазифани бажараётир. Бугунги кунда у нафақат шаҳар, вилоят, балки мамлакатимиз ижтимоий инфратузилмасини изчил ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшмоқда. Тўртинчидан, комбинат қўли гул мутахассислар, етук кадрлар тайёрлайдиган ўз мактабини яратган. Ана шу мактаб вакиллари айни чоғда мамлакатимизнинг аксарият саноат корхоналарида самарали меҳнат қилмоқда.

Ислом Каримов комбинат фаолиятини изчил модернизация қилиш масалалари ҳақида тўхталди. Ишлаб чиқаришни мунтазам равишда янги техника ва технологиялар асосида такомиллаштириб бориш зарур. Акс ҳолда корхона кучли рақобат шароитида дунё бозорида ўз мавқеини қўлдан бериб қўйиши ҳеч гап эмас. Шу билан бирга, корхона ривожи учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Юртбошимиз ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштиришни кучайтириш, оғир юк ташишга ихтисослашган техника ишлаб чиқарадиган Россия ва Беларусь корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари каби Навоий шаҳри ва вилоятида ҳам кўплаб янги объектлар бунёд этилмоқда. Шаҳарда қад ростлаган масжид ана шундай янги иншоотлардан бири.

Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган ушбу маскан Наврўз тантаналари куни очилди. Ислом Каримов бу ерда вилоят имом хатиби, оқсоқоллар билан суҳбатлашар экан, Алишер Навоийдек буюк мутафаккир бобомиз номи билан аталувчи шаҳар ва вилоятни обод этиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, юртдошларимизга барча соҳада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар мустақиллигимиз шарофати туфайли эканини алоҳида таъкидлади.

Шу куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Бухорога келди.

Давлатимиз раҳбари тубдан таъмирланган ва бутунлай янгича қиёфа касб этган шаҳар Марказий истироҳат боғини кўздан кечирди. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди. Мазкур боғ, жумладан, жорий йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида барпо этилган Хотира майдони ён-атрофдаги тарихий обидалар билан уйғунлашиб, яхлит бир мажмуага айланганини таъкидлади.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Бухорода ҳам кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, хусусан, янги тиббиёт муассасалари барпо этилмоқда. Президентимиз Бухоро шаҳрида яқинда фойдаланишга топширилган диагностика маркази фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари бундай замонавий тиббиёт масканлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этди.

**Ғулом МИРЗО,**
**Ёрқул УМАР,**
**Воҳид ЛУҚМОН,**
**Эркин ЁДГОР,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

**СУРАТДА:** сафар пайти.
**Дилшод ЮСУПОВ** олган сурат.

## Фуқаролар йиғинларида сайлов

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови фаол давом этмоқда. Мазкур тадбирни ошкоралик ва демократия тамойиллари асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

## ТАДБИР ФАОЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкент вилоятида ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга тайёргарлик давомида 1290 маҳалла фуқаролар йиғини раислигига 4430 нафардан зиёд номзод кўрсатилган. Йиғин раиси ва маслаҳатчилар вазифасига номзодларни тавсия этишда уларнинг меҳнат фаолияти, ҳаётий тажрибаси ва бошқаларга ўрнак бўладиган жиҳатларига урғу берилди.

Зангиота туманидаги Ўртаовул қўрғон фуқаролар йиғинига қарашли «Ўзбекистон» маҳалласида узоқ йиллардан буён раислик қилиб келаётган, ўтган даврда маҳалладошлари қувончу ташвишларига шерик бўлиб, каттаю кичикнинг кўнглига йўл топа олган оқсоқол — Тоҳир Султонов тегишли қонун талаблари асосида, ошкоралик руҳида ўтган сайловда муқобил номзодлар орасида энг кўп овоз олди.

Тумандаги Бўзсув, Эшонгузар, Иттифоқ ҳамда Чиғатой — Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли Янги ҳаёт, Дўстлик каби маҳаллаларда ҳам сайлов юксак савияда ўтди.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

Жиззах туманидаги 13 та қишлоқ фуқаролар йиғинининг аксариятида раис ва унинг маслаҳатчилари сайланди.

Мўлканлик фуқаролар йиғинида ўтказилган сайловда қатнашганлар маҳаллада ободончилик, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар ва эътибордан четда қолган масалаларни атрофлича таҳлил қилиб, фикр-мулоҳазаларини очиқ, ошкора билдирдилар. Маҳалла йўлларининг таъмирталаблиги, телефон тармоғининг нобоплиги, янги қурилаётган хонадонларни ичимлик сув билан таъминлашдаги сусткашликлар сайланажак фуқаролар йиғини раисидан биринчи галда қатъиятли бўлишни талаб қилиши қайд этилди.

Фуқаролар йиғини раислигига тавсия этилган уч номзод орасидан маҳаллада диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаб келган Ҳикматой Шукурова энг кўп овоз олди.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Магдебургда Ўзбекистон кечаси

Магдебург шаҳрининг «ArtDepot» кўргазмалар марказида мамлакатимизнинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси кўмагида ташкиллаштирилган Ўзбекистон маданияти ва санъати кечаси бўлиб ўтди. Кеча доирасида «Ўзбек фотосуратининг 125 йиллиги» кўргазмасининг тантанали очилиши ўтказилди.

Кўргазмалар марказида 130га яқин сиёсий, ишбилармон, жамоатчилик, илмий ва маданий доиралар вакиллари, маҳаллий парламент депутатлари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Саксония — Ангальт ери парламенти президенти П.Штайнике кечани очар экан, бундай тадбирларнинг ўтказилиши маданий алоқаларни ривожлантириш билан бирга икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтиришга ҳам кўмак беришини таъкидлади.

— Биз республикангизнинг ҳозирги ҳаёти, Ўзбекистон ҳукуматининг фуқаролар фаровонлигини яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракати, хусусан, уй-жой коммунал хўжалиги, хусусийлаштириш, кичик бизнес соҳаларидаги ислоҳотлари тўғрисида маълумотларга эгамиз, — деди Магдебург шаҳри бургомистри Б.Шогала «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбатда. — Гарчи бозор муносабатлари Германиянинг шарқий ерларида Ўзбекистондан олдин бошланган бўлсада, лекин республикангизнинг ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги тажрибаси биз учун қимматлидир. Ўйлаймизки, доимий фикр алмашуви икки мамлакат манфаатларига хизмат қилади.

— Менда халқингиз бой тарихи катта таассурот қолдирди, — деди маҳаллий сиёсий доираларнинг кўзга кўринган вакилларидан бири, Саксония-Ангальт ерининг собиқ ички ишлар вазири В.Браун. — Ўз вақтида Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий шаҳарларига сафар қилганман. Улардаги тарихий обидаларнинг жамоли ва буюклиги, мамлакатингиз маданиятининг сержилолиги мени ром этган.

«ArtDepot» кўргазмалар маркази директори Г.Бриегер хоним эса эътиборни Германиянинг Магдебург ва бошқа шаҳарлари аҳолисининг Ўзбекистон ҳаётига бўлган қизиқиши тобора ошаётганига қаратди:

— Бу кеча икки халқнинг яхши ва дўстона муносабатларидан дарак беради, — деб қайд этди у.

**Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

## ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН

Оролбўйининг бой наботот ва ҳайвонот дунёси хилма- хиллигини сақлаш, ўсимлик ва жонзотларнинг эмин-эркин ривожланиши ҳамда ҳаёт кечиришини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бу ердаги табиий мувозанатни сақлашда алоҳида ўрин тутади.

Сўнгги пайтларда минтақада юз бераётган жиддий экологик ўзгаришлар бу ердаги вазиятни чуқур ўрганиш ва таҳлил этишни тақозо этмоқда.

Шу мақсадда "Жанубий Оролбўйи ҳудудида биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари" мавзуида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманда бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар хусусида атрофлича фикр юритилди. Унда мамлакатимиз, шунингдек, Россия , Германия, Франция ва Қозоғистондан келган етакчи олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда бу борада олиб борилаётган илмий изланишлар натижалари кўриб чиқилди. Жанубий Оролбўйи ҳудудида ўсимлик ресурслари ва улардан фойдаланиш, ҳудуддаги микроблар биоресурсларини тадқиқ қилиш ва келажакда улардан фойдаланиш, биологик хилма-хилликни сақлашнинг экологик тизими, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шу ҳудудда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига эътибор қаратилди.

Анжуман иштирокчилари минтақадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

**Аминбой ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



## Футзал юлдузлари Тошкентда

*Пойтахтимиз йирик спорт турнирига ҳозирлик кўрмоқда. Яна икки кундан сўнг «Ўзбекистон» спорт мажмуасида футзал бўйича VIII Осиё чемпионати бошланади.*

*Юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз мевасини бера бошлади. Ўзбекистон бугунги кунга келиб дунёдаги йирик спорт маракаларидан бирига айланди. Фикримизни исботлаш учун мисолларга мурожаат қиламиз: Биргина жорий йилнинг ўтган ойларида мамлакатимизда кикбоксинг бўйича жаҳон, таэквондо ВТФ ва каратэ бўйича Марказий Осиё очиқ чемпионатлари, оғир атлетика бўйича Осиё кубоги, юнон-рум курашидан Гран при туркумига кирувчи «Мустақиллик кубоги» халқаро мусобақалари зўр муваффақият билан уюштирилди.*

*Осиё футбол конфедерацияси ҳам яратилган имкониятларни ҳисобга олиб, футзал бўйича навбатдаги Осиё чемпионатини Ўзбекистонда ўтказишни маъқул топди. Қолаверса, футзал бўйича терма жамоамиз ва клубларимиз қўлга киритаётган натижалар ҳам мақтовга арзигулик. Яқинда Тошкентнинг «Ардус» жамоаси Эронда илк бор ташкиллаштирилган Осиё чемпионлар лигасида кумуш медални қўлга киритди.*



*«Ўзбекистон» спорт мажмуасида 27 майгача давом этадиган чемпионатда қитъамизнинг 16 та кучли жамоаси бош соврин учун баҳс олиб боради. Ўзбекистон терма жамоаси «А» гуруҳида Хитой, Хитой Тайпейи ва Малайзия терма жамоаларига қарши майдонга тушади.*

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сенатор минбари

***Ўзбекистонда парламент тизими ислоҳ этилиб, унинг икки палатали шаклда ташкил этилиши миллий давлатчилигимиз ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Бу эса Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида — жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашга қаратилган йўл изчиллик билан амалга оширилаётганининг ёрқин далилидир.***

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Қонунчилик палатасида профессионал асосдаги иш тартибининг жорий этилиши ва тузилмавий жиҳатдан мутлақо янги институт – Сенатнинг ташкил қилиниши тарихий аҳамият касб этди.

Мамлакатимиз раҳбари юқори палатанинг бешинчи ялпи мажлисида таъкидлаганидек, Сенат амалий фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ўз профессионал қобилияти ва аниқ мақсадларга йўналтирилган иш услубини намойиш эта олди. Қонун ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда мамлакат ҳаётига оид масалаларни ҳал этишга қодир ҳокимият органи сифатида ўзини кўрсатди.

Маълумки, қонунларни ишлаб чиқиш мураккаб жараён. Шу туфайли юқори ва қуйи палатада муайян қонун юзасидан турлича фикрлар бўлиши мумкин. Ушбу масалада ягона тўхтамга келиш учун Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида келишув комиссиялари тузилади. Масалан, ҳозирга қадар Қонунчилик палатаси қабул қилган 4 та қонун Сенатдан қайтарилди. Айрим қонунлар бўйича келишув комиссияси тузилиб, баҳсли масалаларга чек қўйилди ва ўзаро мақбул хулосага келишилди. Икки палата ўртасида шаклланаётган ана шундай муносабат вақт ўтгани сайин парламентимизда демократик кўникма ва жараёнлар қарор топаётганидан, мамлакатимиз қонунчилик ҳокимияти тизимида қабул қилинаётган қонунларнинг юксак сифатини, жамиятдаги манфаатлар уйғунлигини таъминлайдиган, ўзаро мувозанатни сақлашга хизмат қиладиган самарали тизим шаклланаётганидан дарак беради.

Шу билан бирга ўтган даврда Сенат фаолиятида муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, юқори палата фаолиятида ҳудудий ва минтақавий ривожланиш масалаларига етарлича эътибор берилмаган. Сенат қўмиталарининг Қонунчилик палатаси қўмиталари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилмаган. Ҳудудлар ва минтақаларда сайловчилар билан ишлаш суст амалга оширилган. Қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган назорат-таҳлил ишларини ўтказишга оид ваколатлардан етарли фойдаланилмаган.

Юртбошимиз маърузасида Сенат аъзоларининг асосий қисми маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳисобланиши, бу эса Сенат фаолиятига жойлардаги муаммолар, аҳолининг кайфияти, маҳаллий Кенгашлар билан Сенат ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишда кенг имкон яратиши, аммо сенаторлар бундай имкониятдан тўлиқ фойдалана олмаётганлиги таъкидланган. Аслида, ҳар бир сенатор ўзининг маҳаллий Кенгашдаги фаолиятида Сенат аъзоси, юқори палатадаги фаолиятида эса маҳаллий Кенгашнинг вакили эканлигини ҳис қилиши ва шунга яраша фаолият юритиши лозим.

Маҳаллий Кенгаш депутатлари бўлган сенаторлар ҳудудлардаги муаммолар, аҳолининг кайфияти ва бошқа соҳалардаги ҳолатни яхши биладилар. Шундай экан, улар ана шундай масалаларни ҳал этишда маҳаллий Кенгашлар билан Сенат ўртасида мувофиқлаштирувчи кўприк вазифасини бажариши лозим. Бу эса долзарб ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг ечимини топишда ҳамда қонунларнинг қабул қилиниши жараёнида маҳаллий ҳудудлар манфаатларини эътиборга олишга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раҳбарияти яқинда Фарғона вилоятида бўлиб, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларининг биргаликдаги мажлисида Президентимиз нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар, сенаторлар ва депутатлар олдида турган долзарб вазифалар хусусида сўз юритишди.

Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши янги таркибда фаолият бошлаганидан буён 4 та сессия ўтказди. Унда шаҳар ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаёти, жиноятчиликнинг олдини олиш ва қонунчилик аҳволи, бюджет ва молиявий барқарорлик соҳасидаги муҳим масалалар муҳокама этилиб, қарорлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси таъминланди. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари томонидан 23 та тадбир ўтказилди. 11 маротаба ҳудудий муаммолар кўриб чиқилди. Сенат мажлислари якунлари бўйича 10 та йиғилиш ўтказилди. Шунингдек, 3 та назорат фаолияти доирасида қонун ижроси ўрганилиб, 4 марта доимий комиссия раислари ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишларда Кенгаш депутатлари сайловчилар билан учрашувларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, меҳнат жамоалари, маҳаллалардаги мулоқотлар чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмуни, қабул қилинаётган қонунларнинг моҳияти, уларнинг мақсади – халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларга муносиб ҳаёт тарзини яратишдан иборат эканлигини кенг тушунтириб боришлари лозимлиги уқтирилди. Шу билан бирга, депутатларга мамлакатимиз, аввало, ҳудуд ва минтақалар ижтимоий-иқтисодий соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал этишда ташаббускорлик ҳамда жонбозлик кўрсатишлари кераклиги таъкидланди. Сенат қўмиталарида ўтказилаётган семинарлар, конференциялар, тренинглар, давра суҳбатларининг самарадорлигини ошириш, уларда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиётга, жумладан, минтақалар турмуш тарзини яхшилашга оид аниқ масалаларга кўпроқ эътибор қаратиш зарур.

Сенатор ва депутатлар фаоллигини ошириш, амалий ишлар, муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини кучайтириш мақсадида улар фаолияти юзасидан сўровлар ўтказиш ҳам фойдадан холи эмас.

Шу йилнинг 4 апрель куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг йиғилишида «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди.

Маҳалла ўзига хос қадриятимиз. Маҳалла ватан ичидаги кичик ватандир. Бу ерда аҳиллик, жипслик, ўзаро меҳр-оқибат, мадад ва мурувват каби туйғулар юксак даражада томир отган. Бу манзил азал-азалдан эзгуликлар маскани, тарбия ўчоғи, кўп асрлик удумлар ва қадриятларимиз авайлаб-асралиб, ривожлантириб келинаётган жойдир. Бугунги кунда маҳалла давлат бошқарувининг биринчи бўғини, таъбир жоиз бўлса асосий устунидир. Президентимиз «Маҳалла нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала» деб алоҳида таъкидлаганлари бежиз эмас.

Мустақилликка эришганимиздан кейин улуғ қадриятларимиздан бўлган маҳаллага, унинг нуфузини кўтаришга эътибор ошди. Бугунги кунда ўзида ижтимоий муносабатларни ифодалайдиган, энг нодир ва асрлар синовидан ўтган ижтимоий-табиий қадриятимиз — маҳалла, унинг фазилатлари дунё халқлари томонидан эътироф этилган. Ўзбек давлатчилиги ривожининг асоси бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор берилмоқда.

Шу кунларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда. Бу муҳим тадбирни ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлаш масъуллиги маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, яъни, вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига юклатилган. Бу эса улар ўзларининг ҳудудларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ҳар жиҳатдан пухта, амалдаги қонун-қоидаларга тўла мос ўтишини таъминлашлари керак.

Сайловларнинг демократик талаблар асосида эркин ўтишини таъминлаш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишда фуқаролар йиғинларига ҳар жиҳатдан кўмаклашиш диққат марказида бўлмоғи лозим. Бу масала «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунда ҳам белгиланган.

Қўқон шаҳрида 65 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Сўнгги икки йил ичида бевосита шаҳар ҳокими, вилоят, шаҳар Кенгашлари депутатлари, корхона, ташкилотлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигида ҳар ҳафта бир маҳаллада учрашув ўтказиш анъанага айланган. Маҳаллада ташкил қилинадиган ҳунармандлар кўргазмалари, тарбиявий ишлар, янги иш жойлари яратиш, ободончилик бўйича муайян ишлар қилинаяпти. Шу ерда маҳалланинг қатор муаммолари ҳам ўз ечимини топади. Мазкур тадбирларда, айниқса, маҳалла аёлларига эътибор кучайтирилмоқда. Натижада, бу масканда ташаббускорлик ошиб, ободончилик, ҳомийлик, кўкаламзорлаштириш ишлари кўлами ошаяпти. Ёшлар тарбиясига эътибор эса янада кучайди. Ҳар бир маҳалла бирор савоб иш билан намуна бўлишга интилаётир. Буни айтишдан мақсад, баъзи ваколатларни марказдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига босқичма-босқич топшириш, жойларда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш масаласи кўтарилган бир пайтда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига ҳозирлик кўриш жараёнида биринчи навбатда кадрлар танлашга алоҳида аҳамият бериш лозим. Номзоди кўрсатилган раис ва унинг маслаҳатчилари эл ҳурматини қозонган, ташкилотчи, обрў-эътиборли бўлишидан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларнинг туб моҳиятини теран англайдиган, зиммасига юкланган вазифаларни уддалай олиш салоҳиятига эга инсонлар бўлиши керак. Бу масалада аҳолининг турли қатламлари орасида сўровномалар ўтказиш усули қўлланилса фойдадан холи бўлмайди.

Бўлиб ўтган Сенат Кенгаши йиғилишида шу ва кейинги ойларда ўтказиладиган сайловларда Сенат аъзоларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бўлажак сайловларда ва сайлововолди тарғибот-ташвиқот жараёнида омма орасига чуқур кириб бориш, мавжуд ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этиш, сенаторларнинг сайловчилар билан алоқасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу боис, биз — Сенат аъзолари сайловлар жараёнида фаолиятимизнинг мазмун ва моҳиятини янада такомиллаштиришимиз, сайловчилар орасида олиб борилаётган ижтимоий, оммавий-сиёсий ишларни янги босқичга кўтаришимиз мақсадга мувофиқдир.

Сенаторлик улкан масъулиятдир. Бу – халқнинг катта ишончи. Ана шу масъулиятни чуқур ҳис этиб, халқ ишончини оқлаш эса ҳар бир сенатор учун ҳам бурч, ҳам шарафдир.

**Маъруфжон УСМОНОВ,**
**Қўқон шаҳар ҳокими,**
**Олий Мажлис Сенатининг аъзоси.**

## Хабарлар оқимидан

### Экологик маданият – саломатликка йўл

"ЭКОСАН" халқаро ташкилотида Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни олдидан "Санитария, гигиена ва экологик маданият декадаси" дастурига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Йиғилишда аҳоли яшаш ва иш жойларида санитария-гигиена меъёрларига риоя қилинишини таъминлаш, экологик маданиятни мустаҳкамлашда атроф-муҳит ва инсон саломатлигини асраш зарурлиги таъкидланди.

Дастур доирасида экофестиваллар, кўрик-танловлар, жойларда эколог-олим ва шифокорлар билан учрашувлар, кўргазмалар уюштириш кўзда тутилган. Шунингдек, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва «Росзарубежцентр» билан ҳамкорликда Оролбўйи минтақасидаги болалар ёзги таътил кунларини мароқли ўтказиши ва соғлиғини тиклаши учун уларни Россиядаги ўқув ва спорт оромгоҳларига юбориш, ушбу мамлакат ўқув юртларида таълим олиши учун грантлар ажратиш режалаштирилмоқда.

**Шоира БОЙМУРОДОВА.**

### Барқарор тараққиёт учун

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Таълим — барқарор тараққиёт учун» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуман ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Миллий университети ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Комиссияси томонидан ташкил этилди. Унда БМТ бўлимларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, республика Фанлар академияси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фан ва технологиялар маркази, Республика таълим маркази, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари, нодавлат ташкилотлардан вакиллар қатнашдилар.

Анжуманда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Л. Эргашев, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Комиссияси раиси А. Икромов, Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси А. Азизов ва бошқалар кун тартибидаги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Баҳриддин НИШОНОВ.**

## Ҳуқуқий давлат сари

***Бугунги кунда мулкий низоларнинг аксарият қисмини шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ муносабатлар ташкил этмоқда. Айниқса, давлат органлари ва хусусий корхона ҳамда тадбиркорлар ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларда қонунларнинг бир хилда амал қилишини таъминлаш, шу орқали хусусий тармоқ эгаларининг тўлақонли мустақиллиги ва дахлсизлигини кафолатлаш хўжалик судларининг доимий эътиборидаги устувор масала бўлиб қолмоқда.***

# ТЕКШИРИШЛАР ХОЛИС БЎЛСИН

Ачинарлиси, баъзан айрим ташкилотларнинг шартнома мажбуриятини ҳеч бир асоссиз бажармаслиги ёхуд тадбиркорлар фаолиятига худабеҳуда аралашиши ёки қонун-қоидаларни нотўғри татбиқ этиши ортиқча оворагарчиликлару ҳақли норозиликларга сабаб бўлмоқда. Мисол учун, Тошкент шаҳридаги «Крамс» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси ва вазирлик ўртасида юзага келган низо бунга асос бўлади.

2002 йил 28 августда шу томонлар ўртасида ўқув маркази биносини 254 миллион сўмга мукаммал таъмирлаш бўйича ўзаро шартнома тузилади. Бироқ таъмирлаш ишлари якунига етгач, буюртмачи шартнома шартларига риоя қилмай, иш ҳақини тўлиқ тўлашдан бўйин товлайди. Шундан кейин тадбиркор бир неча марта ҳақини сўраб буюртмачига мурожаат қилади. Буни қарангки, «бугун ва эртага» деган жавоблар билан орадан 3 йил ҳам ўтиб кетади.

Суд жараёнида 2002 йил сентябрь-ноябрь ва 2003 йил июнь ойлари мобайнида бажарилган ишлар икки томоннинг имзоси билан тасдиқланган қабул қилиш далолатномасига асосан топширилганлиги тақдим этилган далиллар билан тўла тасдиқланди. Натижада Тошкент шаҳар хўжалик суди жавобгардан тадбиркор фойдасига асосий қарз сифатида 80 млн. сўм, тўлов кечиктирилган муддат учун 4 млн. сўм пеня ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Ёки бўлмаса, Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Давлат солиқ инспекциясининг «GOLD STILL JHM» хусусий ишлаб чиқариш-савдо фирмасига нисбатан молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарорини олиб кўрайлик.

2004 йил 17 декабрда Ўзбекистон тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими инспектори А. Сайдовутов, туман ДСИнинг ходимлари А. Абдураҳмонов ва З. Отажонов фирмада солиқ қонунчилигига риоя этилиши, тамаки маҳсулотларининг қонуний сотилиши ва савдодан тушган нақд пулларни ўз вақтида банкка топширилиши юзасидан бир кунлик қисқа муддатли текширув ўтказиб, тегишли ҳужжатларни ўрганиб чиқдилар. Пировардида ушбу фирма «Меркурий 115-ф» русумли назорат-касса машинасига 17 млн. 885 минг 800 сўмни кирим қилмаганлиги ва савдодан тушган 17 млн. 852 минг 300 сўм миқдоридаги пулни банкка топширмасдан яширин равишда ғайриқонуний мақсадларга ишлатгани аён бўлади. Туман ДСИ бошлиғи Х.Юлдошев эса тафтишнинг эртаси куниёқ, яъни 2004 йил 18 декабрда эндигина фаолият бошлаган хусусий корхонадан 18 млн. 505 минг 300 сўм миқдорида жарима ундириш ҳақида қарор чиқаради.

Хўш, бу қарор асосли эдими? Афсуски, йўқ! Сабаби, текшириш ва жарима қўллаш жараёнида пала-партишлик, шошма-шошарлик ва бир ёқламаликка йўл қўйилади. Энг ёмони, қонун ҳимоячиларининг ўзи ҳеч иккиланмасдан қонун талабларидан четга чиқиб, тадбиркорнинг манфаатига зарар етказади.

Судда фирма таъсисчиси Ж. Ҳасанов ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги тўғрисида солиқ инспекцияси ходимлари А. Абдураҳмонов ва З. Отажонов томонидан қайта-қайта огоҳлантирилганини, аммо бу ҳақдаги қарор билан таништирилмаганлиги, шу сабабли текширув ҳам унинг иштирокисиз ўтказилганлигини маълум қилади. Бироқ мавжуд далиллар фирма таъсисчисига нисбатан жиноят иши қўзғатилганлигини эмас, аксинча, рад этилганини тасдиқлади. Бу эса текширувнинг нохолис олиб борилганидан далолат берарди.

Шу ўринда бир ҳолат кишини чуқур мушоҳада қилишга ундайди: эркин тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиб берилаётган бир пайтда нима учун айрим мансабдор шахслар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ёрдам бериш ўрнига уларнинг ишига тўғаноқ бўлмоқдалар? Ахир, тадбиркорлик ҳаракатининг ривожи жамият тараққиёти, демакки, ҳар биримизнинг манфаатимиз йўлида хизмат қилишини наҳотки улар унутаётган бўлсалар?

**Иброҳим АЛИМОВ,**
**ҳуқуқшунос.**





# Авлодларга хизмат қилгувчи кўприк

*Қарши шаҳри ўзининг 2700 йиллик юбилей тантаналарига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шу боис шаҳар кундан кунга чирой очиб бораётир. Шаҳардаги ўнлаб тарихий меъморий ёдгорликлар қўли гул усталар томонидан тўлиқ таъмирдан чиқарилмоқда. Яқинда ана шу хайрли тадбирлардан бири амалга оширилди. Қашқадарё дарёсининг Қарши шаҳрини кесиб ўтган қисмида XVI асрда бунёд этилган, Марказий Осиёдаги энг йирик қадимий кўприк тўлиқ таъмирланди.*

*Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида бу кўприк бутунлай бузиб ташланган эди.*

*— Узунлиги 136 метр, эни 8,5 метр, дарё остидан баландлиги етти метрдан ортиқ бўлган бу қадимий обида халқимизнинг ўз аждодларидан қолган бебаҳо бойлигидир, — дейди Касби туманидаги «Қурувчи» ишлаб чиқариш ширкати етакчиси, тажрибали уста Ҳамро Ҳасанов. — Кўприкнинг тўрт бурчагида қадимда махсус кузатув шийпончалари бўлган. Уларнинг кўприк устидан баландлиги олти метргача бўлиб, бу эса шаҳарнинг шимолий дарвозаси вазифасини ўтаган. Кўприк ва шийпончалар ўтган асрнинг бошларида олинган фотосуратлар ёрдамида таъмирланди.*

**СУРАТЛАРДА: қурувчи таъмирчилар (чапдан) Нурулла Бобоев ва Ҳамро Ҳасанов суҳбат пайтида; Марказий Осиёда энг йирик қадимий кўприкнинг таъмирланганидан сўнгги кўриниши.**

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ҚАРОВСИЗЛИГИДА ҚАЕРДА ЭДИНГИЗ?

***Кўримсиз, ташландиқ жой ҳеч кимнинг эътиборини тортмайди. Кимдир ўша ерга меҳрини қўйиб, обод қилгач, «нега мен олмадим?» деган ҳасадгўйлар кўпаяди. Пировардида ҳар хил найрангларни ўйлаб топадилар. Хусусан...***

***Ўрта Чирчиқ туманидаги «Бектемир» тажриба экспериментал пахта тозалаш заводига қарашли механика устахонаси ҳам ночор аҳволда эди. Уни тадбиркор Иброҳимжон Ўлжабоев сотиб олди-да, енг шимариб ишга киришди. Аввал-бошда устахона биносини, унинг атрофларини тартибга келтирди. Сўнгра янги иш ўринлари яратди. Яхши ният ила янги-янги мақсадлар сари бел боғлаган чоғида тўсиққа дуч келди. Нега дейсизми? Эшитинг.***

*Журналист суриштируви*

— Пахта тозалаш соҳасида ўттиз йилдан бери ишлаб келаман, — дейди Иброҳимжон Ўлжабоев. — «Бектемир» тажриба экспериментал пахта тозалаш заводига тегишли механика устахонасининг аҳволини кўриб, мутахассис сифатида юрагим ачишиб кетди. Шундай жой хароб бўлиб ётганидан кўра, уни обод қилсам, ишга туширсам бўлмасмикин, деб ўйладим. Сўнгра шу ерни белгиланган тартибда менга сотишларини сўраб, аввал «Ўзпахтасаноат» уюшмасига, кейин завод раҳбариятига мурожаат қилдим. Ўз навбатида, корхона раҳбарияти «Тошкентпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига хат юбориб, раҳбариятни бохабар этди. Бирлашманинг собиқ раиси фойдаланилмай ётган механика устахонасини менга сотишга ва атрофидаги ер майдонини бириктириб беришга розилик бергач, тегишли ҳужжатларни тўплашга киришдим...

Ушбу масалани, табиийки, жамиятнинг умумий йиғилиши ҳал этарди. Шу боис 2004 йил 31 июнь куни йиғилиш бўлиб ўтади. Унинг қарорига кўра, ночор ҳолатдаги устахонани И. Ўлжабоевга сотиш масаласи кузатув кенгаши зиммасига юкланади. Орадан етти кун ўтгач, кузатув кенгаши умумий йиғилиш қарорига розилик билдиради.

Шундан кейин устахона нархланади. «ТАТ-Expert» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан устахона ва ишламаётган асбоб-ускуналарнинг баланс қиймати 4160000 сўм бўлгани ҳолда 9560000 сўмга баҳоланади. Тадбиркор бундан ранжимайди, аксинча, тўловни амалга ошириш чорасини кўради. Пировардида 2005 йил 21 июнда механика устахонаси, бино-иншоотлари И. Ўлжабоев номига хусусийлаштирилгани тўғрисида гувоҳнома берилади. Унга «Бектемир» пахта заводи билан тадбиркор 2005 йил 11 июнда тузган ўзаро олди-сотди шартномаси асос қилиб олинади.

Мулк хусусийлашгани ҳамоно Ўлжабоев сидқидилдан ишга киришади. Устахонани, асбоб-ускуналарни мутахассислар ёрдамида таъмирлайди. Қисқа муддатда уни ишга тушириб юборади. Саккиз ойдан буён ишламай, ўз ҳисобидан таътилда юрган ишчиларни севимли даргоҳига қайтаради. Ишчилар хурсанд, мулкдор хурсанд бўлиб юрган кезлар Ўлжабоевдан мулк қайтариб олинармиш, деган нохуш хабар тарқалади. Ва орадан ҳеч қанча ўтмай, фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судидан чақирув қоғози келади. Билишсаки, «Тошкентпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ва «Бектемир» ОАЖ И. Ўлжабоев билан 2005 йил 11 июнда тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида даъво аризаси киритибди.

— Бундай ҳолни кутмаганимданми, довдираб қолдим, — дейди И. Ўлжабоев. — Кимга боришимни, нима дейишимни билмайман, денг. Таклифимга кўра, устахонага қайтган ишчилар олдида юзим шувут бўлишини ўйлаб, баттар эзилдим. Қолаверса, режаларим бор эди. Яна йигирмата ишчи ўрнини ҳозирлаётгандик. Булар осонликча бўлмаслигини кўпчилик билади. Буёғини сўрасангиз, шу мақсадда ўн беш миллион сўмдан ортиқ маблағ ҳам сарфлаб қўйгандим...

Дарвоқе, даъво аризасида ғалати важлар мавжуд эди. Уюшма ўзи тайёрлаган ҳужжатларга шубҳа билан қарагани етмаганидек, устахона сотилишидан акциядорлар жабр кўрганлигини айтишдан уялмаган. Ахир, аёнки, устахона сотилиши муносабати билан у ишламаётгани учун тўланаётган солиқ ва бошқа тўловлардан озод қилиниб, акциядорларнинг қўшимча даромад кўришларига сабаб бўлган.

Албатта, З. Ирматова раислигида бўлиб ўтган Ўрта Чирчиқ туманлараро суди даъвогарларнинг бу каби даъволарини атрофлича ўрганиб чиқди. Даъвогарларнинг ҳаракати тадбиркорликка ғов эканлиги шунда маълум бўлиб қолди. Суд 2006 йил 27 март кунги ҳал қилув қарорида бунга қонуний баҳо берди. Суд олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топди. Механика устахонаси ва у жойлашган 0,35 гектар ер майдони учун Ўлжабоевнинг эгалик ҳуқуқи белгиланди. Тошкент вилояти апелляция суди ҳам қуйи суд хулосасини ўринли, деб топди.

Тадбиркор суд қароридан сўнг анча енгил тортди. Ҳақ қарор топишига ишонди. Сўнг тўхтаб қолган корхонасига ошиқди. Ишчиларни яна меҳнатга чорлади. Лекин кўнглидаги бир норозилик ҳануз тарқаган эмас. У 2005 йилги пахта теримига жиддий тайёргарлик кўрганди. Бир неча корхоналар билан шартномалар тузганди. Улар умумий қиймати 35 миллион сўмликдан ортиқ буюртма шартномалари эди. Ана шу ишлар бажарилмай қолди. Судга қатнаш оқибатида иш тўхтади. Агар И. Ўлжабоевнинг устахонаси томон кимнингдир шамоли кўндаланг эсмаганида, унинг ишлари анча юришиб кетган, камида яна 50-60 киши иш билан таъминланган бўларди. Афсус... Лекин бунга кимдир жавоб бериши, моддий зиён қопланиши керак-ку...

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Соҳибқирон Амир Темур даврига бағишлаб асарлар ёзадиган бир гуруҳ адиблар “Умид ниҳоллари — 2006” ўйинлари бўлиб ўтадиган, ўзининг қутлуғ 2700 йиллик тўйини нишонлайдиган кўҳна Насаф — Қаршига йўл олганимизда, гапнинг очиғи, шунчалар ҳаётбахш ва умидбахш таассуроту туйғуларга бой бўламан, деб ўйламаган эдим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган режага кўра, буюк бобомиз таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб Самарқанд, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида “Умид ниҳоллари” қатнашчилари билан китоблар тақдимоти ўтказишимиз мўлжаллanganди.***

# ЖАҲОН ҲАВАС ҚИЛДИ ШУНДАЙ ДИЁРГА

## ўқувчилар мусобақаси ёзувчи нигоҳида

Бир пайтлар қайсидир мамлакатда Олимпия ўйинлари ўтказиладиган жойга Грециянинг Алфей дарёси водийсидаги Кронос тоғидан қуёш нурларидан ёндирилган машъаланинг тантанали суратда олиб келганларини ойнаи жаҳонда кўп бор кўрар эдик. У сирли, олис ва қўл етмас бўлиб туюларди.

Ўзбек “Олимп”и Паркент тоғларидан худди Грециядагидек, аммо XXI аср технологияси асосида қуёш нурларидан қўр олган машъала эл оралаб Қарши шаҳрига йўл тутган куни эди. Тошкентдан жўнашимиз билан бизларни қандайдир байрам кайфияти ҳисси қамраб олди. Йўлларда қўлларида байроқчалар, ранг-баранг шарлар тутиб олган юзлаб, минглаб мактаб ўқувчилари кўтаринки бир руҳда машъала пойқадамини кутардилар. Аввалдан айтиб қўяй: шундоқ манзара Янгийўл, Чиноз, Гулистон, Жиззах, хуллас то Қаршигача давом этди! Жуда ажойиб манзара! Ҳаяжонларга чулғанган ўғил-қизларнинг чеҳраларида мўъжиза кутаётган кишилар тимсолини кўриш мароқли эди.

Шу куни оқшом ўн бешта кам саккизда машъала Самарқанддаги Регистон майдонига кириб келди. Майдон атрофидаги кўчаларда қувончи-ю ҳайратини қайга жойлашни билмаган ёшлар гурас-гурас кезиб юришибди. Булар Озод Ватан фарзандлари эдилар! Юрагим ҳаприқиб кетди! Ажабо, аллақандай ҳаяжон билан ўзим ҳам машъалани кўриш мақсадида югураётган ёшларга қўшилиб чопганимни билмай қолибман.

Регистон минбаридан туриб ёшларни табриклар эканман, алангаланиб турган машъалага боқиб, у Амир Темурнинг ёниб турган юраги, дедим ва баралла шеър ўқидим:

*Туркистон султони*
*бўлгонга салом,*
*Қалби юрт ишқига*
*тўлгонга салом!*
*Ўғлонлар ичида*
*ўғлонга салом!*
*Хазондан йироқдир*
*бўстонинг сенинг!*

Шаҳрисабзда Оқсаройни кўрдик, нечанчи бордир, билмаймиз, унинг тарихини, кейинги кечмишини янгидан кашф этгандек бўлдик, баҳслашдик, тортишдик. Хаёлимизда эса Самарқанддаги Амир Темур мақбараси билан Шоҳи Зинда (Шаҳид Зинда) мозори зиёрати муҳим турарди. Хусусан, Шоҳи Зиндада олиб борилаётган таъмирлаш ишлари юксак мақомда эди. Савоб ишлар қилаётганлари, ўтганлар руҳини шод этаётганлари учун Президентимизга, ҳукуматимизга нисбатан кўнглимиздан миннатдорчилик туйғулари кечди. Шундай ҳолат кейин Шаҳрисабзда ҳам юз берди. Шайх Шамсиддин Кулол, Амир Тарағай мақбараларини, валиаҳд Жаҳонгир Мирзо мозорини, Амир Темур Кўрагон ғазирасини зиёрат айладик. Тиббиёт коллежида бўлиб ўтган қизғин учрашув ёшларимизнинг улуғ тарихимизга, Соҳибқирон Амир Темур шахсига ҳурматлари нечоғлик юксак эканлигини намойиш этди.

Қарши шаҳридаги педагогика коллежидаги учрашувни Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бошқарди. Коллеж ҳовлисидаги майдонни тўлдириб ўтирган “Умид ниҳоллари-2006” иштирокчилари бўлган футболчилар жуда серзавқ йигитлар экан. Улар тошкентлик ва қашқадарёлик ижодкорларнинг ҳар бир чиқишини жон қулоқ бўлиб тинглар эдилар. Учрашув охирида барчаси жўр бўлиб “Соҳибқирон авлодларимиз!” деб ҳайқирганларида, ҳамманинг юраги ларзага келди.

“Умид ниҳоллари — 2006” ўйинларининг очилиши ғаройиб спектаклни эслатарди. Улкан стадионнинг марказида бир хил либосларга бурканган юз-юзлаб ўғил-қизларнинг бамисли бир кишидай ҳаракат қилишлари жуда ҳайратланарли эди. Уларнинг бир-бирларига мос уйғунлашган ҳаракатларини кўриб, кўнглимдан: “Бу қизлар пойтахтдан келган хореография коллежлари талабалари бўлсалар керак” деган фикр кечди. Кейин Абдулла Орипов иккимиз кўчага чиққанимизда шундай қизларнинг кўчани тўлдириб кетаётганларини кўрдик. “Қайси шаҳардан келгансизлар?”... деб сўрадим. “Қаршидан!..Коллежда ўқиймиз!” деб жавоб қилди байрамдан мамнун хушхандон қизлар. Ёшлар шаддод, дадил, серғайрат, умидбахш, қўрқмас, қайтмас эдилар. “Келажагимиз шулар!” дедим ичимда уларга ҳавас ва ғурур билан боқиб.

Етти ойда қуриб битказилган, жаҳоний андозаларга мос келадиган – унда олимпия ўйинларини бемалол ўтказиш мумкин – улкан стадион мамлакатнинг турли бурчакларидан келган ёшлар билан қайнаб-тошарди. Президент Ислом Каримовнинг табриги ўқиб эшиттирилганда кўк ларзага келгандай бўлди...

Беихтиёр “Умид ниҳоллари”нинг чиндан тан берадиган ҳодиса эканлигига имон келтирасан киши. Озроқ тарихга қарайсан. Хаёлинг узоқларга кетади.

“Умид ниҳоллари”нинг биринчи мусобақалари Фарғона шаҳрида, иккинчиси Хоразмда, мана, учинчиси Қаршида муваффақият билан ўтди. Тўртинчиси — Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида ўтказилади. Тўртинчи мусобақаларнинг ҳам олий даражада ўтишига асло шубҳа йўқ.

Мамлакат ёшлари орасида ушбу “Умид ниҳоллари”, шунингдек, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобақаларини ўтказиш ғояси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мансубдир. Ҳа, давлатимиз раҳбари бу маънода зукко ва донишманд раҳбар сифатида жуда узоқни кўзлаб иш юритишларини намоён қилдилар. Юрт отасининг ўз фарзандлари ҳақида қилган меҳрибончилигу ғамхўрлиги диққатга сазовор ва ибратлидир. Ҳамма нарса ёшларни руҳлантириш, ўзига ишонч уйғотиш ва кўнгилларига Ватан билан фахрланиш туйғусини, фарзандлик ғururини жойлашдан иборат. Бу қутлуғ қадамлар заминида ҳам Ватанга муҳаббатни тарбиялаш, ҳам аждодларга муносиб баркамол авлод бўлиб етишиш маъсулияти, ҳам ана шу фарзандларга боғлиқ Ватан тақдири ташвиш-орзулари ётади. Бу орзулар эса “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” деган улуғ мақсадга уланиб кетади...

“Умид ниҳоллари”нинг Фарғонадаги ўйинларида қатнашиш учун кураш олиб борган беш миллион ўқувчидан 1918 нафари, Хоразмда беш ярим миллион ўқувчи орасидан 2114 нафари финал босқичга чиқди. Учинчи гал тўрт ярим миллион ўқувчи баҳсларда иштирок этди.

Чуқурроқ ўйлаб кўрайлик. “Умид ниҳоллари” ўйинларида иштирок этган ўқувчилар асло ютқазмайдилар, балки бу ўзи учун ҳам, ота-она учун ҳам, мактаб учун ҳам, Ватан учун ҳам фойдалидир.

Биринчидан, қанчалаб ўқувчиларимизнинг бемисл мусобақа завқи билан кўнгиллари покланади, тўғрилик, ҳалолликни ўрганадилар, уларнинг миялари пучмоқларида ҳар хил нохуш қарашларга ўрин қолмайди. Бунинг ўзи бебаҳодир.

Иккинчидан, ёшларимиз спорт майдонларида жаҳоний андозаларда туриб курашиш қоидаларини эгаллаб оладилар, кейин улар келажак мусобақаларда ҳайиқиб чўчиб ўтирмайдилар.

Учинчидан, мамлакатнинг турли бурчакларидан келган ёшлар бир-бирлари билан учрашадилар, дўст орттирадилар, дўстлашадилар, ягона Ватан фарзандлари эканликларини теран ҳис этадилар, кўнгиллари бағоят ўсади.

Тўртинчидан, Президентимиз айтганларидек, ёшларнинг, демак, мамлакатнинг жаҳонга чиқишида спортнинг аҳамияти катталиги ва бекиёс эканлиги такрору такрор урғуланади.

Бешинчидан, ушбу ўйинлар ўтказилиши сабаб бўлиб ҳукуматимиз томонидан зарур маблағлар ажратилади, бу — бениҳоя эзгу иш. Шаҳарлар обод бўлади, турли спорт иншоотлари, маданий-маърифий бинолар қурилади. Фарғона ва Хоразмда шундай бўлди.

Бўлажак улкан тўй шарофати билан Қаршида бу эзгу иш янада кенгроқ қанот ёзди. Биргина мисол. Қарши Олимпия захиралари коллежида бунёд этилган муҳташам бассейн кўпдан-кўп таҳсинларга лойиқдир. Бамисоли эртаклардагидек, лим-лим сувлари кўм-кўк, зилол, кўрибоқ баҳри-дилинг очилади. Оромижон ҳовузда мусобақа ўтказмоқ кони роҳатлиги шундоққина кўриниб турибди.

Умуман, бунёд этилган муҳташам спорт шаҳарчаси Марказий Осиёда ягоналикка даъво қилмоқда. Шаҳарчадаги Қарши марказий стадиони деб аталаётган, ўн беш гектардан ортиқ ерни эгаллаган маскан эса кишини ҳайратга солади. Йигирма минг ўринли стадионнинг ғаройиб жойи шундаки, унда марказий майдондан бошқа яна турли мусобақа-ю машғулотлар олиб борса бўладиган олтита стадион ҳам бор. Шунингдек, конференциялар зали, бир неча спорт зали, иккита ресторану тўртта кафе, тўртта спорт моллари дўконлари ишлаб турибди. Европа ва Америка андозаларидан ўтса ўтадики, асло қолишмайди. У халқаро мусобақаларни бемалол ўтказа оладиган спорт иншоотидир. “Умид ниҳоллари — 2006” ўйинлари шу сабабларга кўра айни ўша нодир спорт масканида очилди.

Ҳа, бунёдкорлик бизга боболардан, улуғ соҳибқирондан мерос қолган. Оққан дарё оқмай қолмас, дейдилар. Президент Ислом Каримовнинг ана шундай изчил сиёсати туфайли юртимиз обод бўлиб бормоқда, пойтахтда ҳам, пучмоқда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Агар таъбир жоиз бўлса, Юртбошимиз Қашқадарёда ишлаган йиллари бунёд этилган иншоотлар зўр шижоат билан давом эттирилди. Буни жумлаи жаҳон кўриб турибди.

Уч босқичда ўтказиладиган “Умид ниҳоллари”, "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт мусобақаларининг улкан аҳамияти ёшларимизни Олимпия ўйинларига тайёрлаш билан белгиланади. Босқичлардан ўтиб Универсиада ғолиби бўлган спортчи Олимпия ўйинларига йўл олади ва Ватан шарафини ҳимоя қилади. Бу бебаҳо мактабдир.

Президентимиз ҳамиша таъкидлаганларидек, ёшларимиз маънавий етук, зукко ва билимдонгина эмас, айни бир пайтда спорт ва кураш майдонларида тобланган, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, уларни енгишга ўзида куч топа оладиган, иродаси мустаҳкам, эътиқоди бақувват, чиниққан мард фарзандлар бўлиб камолга етишлари керак. Бу мустақил Ўзбекистон давлатининг сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифадир.

Қайтаётиб, “Умид ниҳоллари — 2006” ўйинлари Республика матбуот марказига кирганимда, марказ раҳбари шоир Минҳожиддин Мирзо интернетдаги сайтда янги келган хабарлар билан танишиб турган экан. Ҳозир беш тилда жаҳоннинг йигирма беш давлати билан алоқалар боғлангани ва йигирма минг атрофида хат келганини билдириб, дунёдаги ватандошларимизнинг юртимизда бўлаётган эзгу ишлар тўғрисида, хусусан, “Умид ниҳоллари” ўтказилаётганидан мамнун эканликлари ҳақидаги қутлуғ хабарлар борлигини айтди. Ватандошларимиз ўз мактубларини шундай сўзлар билан бошлар эканлар:

— Ассалом, Қарши! Ассалом, Тошкент!

Тошкентга қайтар эканман, ширин таассуротлар оғушида мен ҳам дилимда беихтиёр ўша сўзларни оҳиста такрорлар эдим...

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

# Болаларга беринг дунёни

***Ўтган йили Россия Федерациясининг «ITF Group Holding» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ва Ўзбекистоннинг «Mehrjon — Sport» республика хайрия жамоат фонди ижтимоий ва хайрия соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олишган эди.***

Ана шунга асосан 2005 йилнинг ёзида Челябинск вилоятининг Сатка шаҳрида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар болалари ўртасида ўтказилган спартакиадада Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари ва кам таъминланган оилаларнинг болалари ҳам қатнашганди.

Ўзаро ҳамкорлик алоқалари давом этдирилмоқда. Куни кеча Россия Федерациясининг Челябинск вилоятидаги бир неча болалар уйлари ва Ижтимоий муносабатлар вазирлигидан жами 66 нафар вакил ватанимизга келди. Улар бугун пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бошланадиган «Меҳржон — 2006» халқаро болалар ҳаваскорлик ижодиёти фестивалида иштирок этишади. Фестивалда россияликлар билан биргаликда республикамиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги 20 та меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлардан 500 нафарга яқин болажонлар ўз иқтидорларини намойиш этадилар.

Кеча ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчиларини ўз халқининг миллий урф-одатларига, ватанига ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги маданият ва спорт соҳасидаги муносабатларни янада ривожлантиришдан иборат.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# «Самарқанд кубоги»

***Самарқанд шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида фахрий спорт устаси Эркин Иброҳимов хотирасига бағишланган «Самарқанд кубоги» — халқаро турнири бўлиб ўтди.***

Унда республикамиз вилоятлари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Туркия мамлакатларидан 200 га яқин полвонлар 10 та вазн тоифасида ғолиблик учун курашдилар.

Икки кун давом этган турнирда ёш спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Мамлакатимиз спортчиларидан Муҳаммад Аҳмадалиев, Ўктам Нурбеков, Ҳамза Ёқубов, Умар Бозоров, Рустам Султонов ўз вазн тоифалари бўйича ғолибликни қўлга киритишди. Улар сафига Туркиянинг уч спортчиси — Фотеҳ Укунач, Масахит Килич, Риза Кайаалп ва қирғизистонлик икки полвон — Атай Койгукулов, Салават ўғли Темирлан ҳам қўшилишди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

NBU

тезкор пул ўтказмаларининг янги

«ОСИЁ ЭКСПРЕСС»

турини таклиф этади.

*Пул ўтказиш Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида амалга оширилади.*
*Пул ўтказилганлиги учун сумма қанчалигидан қатъий назар 2 фоиз ҳақ тўланади.*

Сиз 10 дақиқа ичида бутун республикамиздаги Миллий банк филиали ёки бўлими орқали маблағларни жўнатишингиз ёки қабул қилиб олишингиз мумкин.

Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат этинг: 134-14-14 ёки 144-35-56.

Денежные переводы АзияЭкспресс



Hyundai Football World Championships

DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY



Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

ADI International
Panasonic

Vinlad — Сделаем жизнь спокойнее!

Вид деятельности — проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы видеонаблюдения

PELCO J&S

DX 8000 SERIES DIGITAL VIDEO RECORDER

НОВЫЕ ПОСТАВКИ!
профессиональное качество по привлекательным ценам

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site: www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).



российский линолеум
и славянские обои
производство ОАО «ЩекиноАзот» г. Тула
тел. 134-48-11, факс 134-49-58.


«Савдогар» акциядорлик тижорат банки жамоаси банкнинг масъул ходими Н. Мамараҳимовга онаси

**САЛОМАТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти жамоаси институт директори Рисбой Ҳайдарович Жўраевга волидаси

**ЗЕБОХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Республика Таълим маркази жамоаси Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори Рисбой Ҳайдарович Жўраевга онаси

**ЗЕБОХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси жамоаси «Ўзэлектромонтаж» ОАЖ бошқаруви раиси Нўъмон Кўчқоровга рафиқаси

**Муборак ҚЎЧҚОРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси жамоаси бош ҳуқуқшунос Шуҳрат Зиёмуҳамедовга онаси

**ТОЖИХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 24.00 Топширилди —24.10 23456